

ТИЛНИ СЕВМАК – ВАТАННИ СЕВМАК ДЕМАКДИР

Жўрабек Қодиров
Тошкент гуманитар фанлар университети

Бу йил “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинганига 31 йил тўлар экан, унинг амалий қийматини тобора кўпроқ ҳис этамиз. Бу тарихий ҳужжат кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккур маҳсули бўлган ўзбек тилининг қадди-бастини тиклаш учун қўйилган залворли қадам экани намоён бўлаверади. ЮНЕСКО маълумотига кўра, ҳозирги кунда дунёда 6 минг 909 тил мавжуд бўлиб, улардан 200 га яқини давлат тили мақомига эга. Тилимизнинг жозибаси, гўзал ифодаси, ҳиссиёти-ю нафосатини Навоий бобомиз нақадар теран тасвирлаган бўлса, ўтган асрда адабиёт вакиллари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов эса ўз асарлари билан уни янада бойитишга ҳисса қўшган эди. Шундай маърифат пешволари қолдирган бой илмий мерос бугун эъзоз ва эҳтиромга сазовор.

Дарҳақиқат, бугун ўзбек тили давлат тили сифатида барча иш ҳужжатларида акс этмоқда, уни ривожлантириш бўйича кенг кўламли саъй- ҳаракатлар олиб бориляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли фармони билан ушбу сана “Ўзбек тили байрами куни” дея эътироф этилди.[1] Бундан ташқари, ушбу фармон ижроси доирасида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти йўлга қўйилиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш мақсадида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Бу ҳам иш юритишни давлат тилида олиб борилишига хизмат қилади.

“Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, муnis оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сехрли қўшикларига қулоқ тутсин” дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида. [2]

Ўтган давр мобайнида ўзбек тилини ривожлантириш, унинг соғлигини саклаш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, ёшларга тўлақонли ўргатиш учун жуда катта амалий ишлар қилинганди. 2006– 2008 йилларда беш томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” чоп этилди. Шу кунларда луғатнинг лотин алифбосидаги нашри тайёрланяпти. Унда 100 минг сўз бўлиши қутиляпти.

Лекин бу қанчалик самара беряпти? Жамиятда бунинг таъсирини сезяпмизми? Нафақат ёшлар, балки катталар ўртасида тилга муносабат қандай?

Бугун ён-атрофда ўзбек тилига муносабат айтарли даражада ижобий эмас. Одамларнинг тил бойлиги тобора қашшоқлашиб боряпти. Унинг ўрнига ижтимоий тармоқлар жаргонлари, русча ўринсиз сўзлар эгаллаляпти. Гарчи хориждан янги технологик атамалар кириб келиб, лугатимиздан бойитаётган бўлса-да, ўз тилимизни ундан аълороқ қадрлаш учун ҳеч биримиз масъулият ҳис этмаяпмиз. Тўғри, глобаллашув даврида чет эллардан кириб келаётган сўзларга эҳтиёжимиз бор, аммо унинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва истеъмолга киритишни ҳам ўйлаб кўрсак, зарар қилмайди.

Кўча-кўйдаги реклама баннерлари, дўконлар пешлавҳалари, майший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ажнабийча аташ, ўзбек тилида

ёзилганинг хатолар билан ифодаланиши тил жонкуярлари бўлган зиёлиларимиз томонидан кўп танқид қилингапти ва бу бежиз эмас.

Биз нега тилимизни севмаймиз, уни қадрлашни ўрганмаймиз. Ахир жадидчи боболаримиз Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий бундан бир аср муқаддам қанчалар куюнмаган эдиларми? Наҳот юз йилликдаги муаммолар ўзгармаган бўлса? Улуг ёзувчимиз Абдулла Қодирий “Ўзбек тили камбағал эмас, уни камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”, деганида қанчалар ҳақ эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий тилшунос сифатида “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Ҳар миллат ўз тили или фаҳр этар”, “Тил масаласи”, “Сарт сўзи мажхулдир”, “Сарт сўзи маълум бўлмади” сингари мақолалар яратди.[3] Илмий мақолалар, лугатлар тайёрлаш жараёни ҳануз давом этаётган экан, улар фақат қоғозлар қолиб кетяпти, уни халқ ичига олиб кириш механизмлари ишлаб чиқилмаганидан таъсири билинмаяпти.

Тилшунос олим Баҳтиёр Менглиев “Маърифат” газетасида “Юртимизда ўзбек тили корпусларини яратиш қониқарли эмас. Бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ўзбек корпус лингвистикасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, намуна сифатида бир-икки корпус лавҳаси яратиш жараёни босқичида турибди, холос”, деб ёзган эди. [4] Сўнгги ўн йилликда жадал ривожланаётган соҳага айлананаётган корпус лингвистикасини яратиш нега оқсаяпти? Менимча, бу ҳам бош қотиришимиз лозим бўлган жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Тил ўзлигимиздир, унда қадриятларимиз мужассам. Она сути билан қонимизга киради. Ўзбекча мулоқот қиласиз, фикримизни ифодалаймиз, куламиз, йиглаймиз. Тил бу кимлигимизни англатиб турувчи қиёфамиздир.

Аммо оиладан бошлаб, ишхонамизга борганимизда ҳам бирорта бегона сўз қўшмасак, ўзимизни эркин ҳис қиласиз, гўё шу билан “салоҳиятимизни” намойиш этамиз. Бу муаммо китоб ёки газета-журнал ўқимаганимиздан, сўзлашув лугатимиз камбағаллигидан далолат беради.

Ахир уйимизда ўзбекча мультфильмларни кўриб улғайган фарзандимиз билан мулоқот қиласак, унинг талаффузидаги адабий сўзлардан ҳайратга тушамиз, шундай эмасми? Демак, соф ўзбекона кўрсатувлар, бадиий-адабий китоблар забонимизни бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тил ҳақида сўз кетар экан, саводлилик ва чиройли ёзув масаласини ҳам муаммо сифатида олиб чиқсан, хато бўлмайди. Ижтимоий тармоқларда матн тераётган ўғил-қизларимиз сўзларини тушуниб олиш учун қайта-қайта ўқишимизга тўғри келади, олий ўқув даргоҳи талабалари ҳусниҳати орасидан чиройли ёзадиганларини саралаб олиш жуда ҳам мушқул иш. Бинобарин биз тил соғлиги ва унинг гўзаллиги ҳақида гапирав эканмиз, таълимнинг ilk даври – мактабданоқ ўқувчилар саводхонлигини қаттиқ назорат қилишимиз, уларни билимли қилиб тарбиялашни асосий вазифамиз деб билишимиз лозим.

Ҳар бир идорада ҳужжатлар билан ишловчи маълум бир бўлим бор. Тил бўйича энг кўп кузатиладиган муаммолар айнан ушбу бўлим фаолиятида кўп учрайди. Дейлик, идора маълум бир ташкилотга хат ёзса, ёки қандайдир ҳужжатни қабул қиласа, ундаги услубий муаммолар яққол кўзга ташланиб қолади. Бугун энг қўтарилаётган долзарб масалалардан яна бири ҳам ана шу - ўзбек ҳужжатчилигини шакллантириш ва такомиллаштиришдаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳужжатларнинг тили ва услуби масаласидир. Ҳар бир раҳбар, бошқарув муассасалари ходимлари, бир сўз билан айтганда, фаолияти иш ҳужжатлари тайёрлаш билан шуғулланадиган кишилар ўзбек тили имлоси, тиниш белгилари ва услубий қоидаларни пухта ва мукаммал билмоғи керак. Акс ҳолда, палапартиш, алмойи-алжойи, поинтар-сойинтар ҳужжатлар қабул қилинаверади, ёки русча ёзиб, уни ўзбекчага ўгириб юраверамиз.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси сайтида Нидерландияда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш кучаяётгани ҳақида ўқиб қолдим. [5] Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги элчинонасида Европа мамлакатларида ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиши қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишлиланган учрашув бўлиб ўтган экан. Албатта, бу диққатга муносиб. Хорижликлар тилимизни ўрганишга қизикаётган бир паллада ўзимизнинг лоқайд ва бефарқ бўлишимиз яхши эмас.

Фикримиз сўнгига шоира Зулфия Мўминованинг тил ҳақида ифтихор билан ёзган қуйидаги шеъри билан якунлайшни лозим топдик:

Менинг учун сендан улуғ йўқ, Она тилим - бузруквор шоҳим. Сен бордирсан демак,
ўзбек бор, Она тилим - олампаноҳим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://lex.uz/docs/4561730>
2. <https://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyevning-zbek-tiliga-davlat-tili-ma-o-21-10-2019>
3. http://uza.uz/oz/culture/ikki-emas-t-rt-til-lozim-26-03-2020?phrase_id=23837835

4. http://marifat.uz/marifat/v_pomosh_uchitelu-marifat/savol/1142.htm
5. <https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/nederlandijada-zbek-tilini-rganishga-b-lgan-izish-kuchajmo-da/?lang=oz>